



Ishonch

Биз ҳозирданок тараққийтимизнинг инкироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак.
— Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг тақлифига биноан 24-25 феврал куллари Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари дўстона ва ҳамжиҳатлик руҳида музокара-лар ўтказдилар, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантириш йўллари белгиладилар. Томонлар бир-бирини қизиқтирадиган долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар олий даражада эришилган икки томонлама келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мустақкам негиз яратганини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида мустақкам қўшничилик ва дўстона алоқалар мавжудлиги, давлатлараро муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Икки қардош давлатнинг эришилган келишувларини самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро баҳамжиҳат ҳаракат механизмининг ривожлантиришга интилаётгани қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, Президентлар бу соҳадаги ҳам-

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

корлик устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва томонлар манфаатларини ҳурмат қилиш принциплари асосидаги ўзаро манфаатли шериклики ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

Давлат бошлиқлари мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг сифатли бажарилиши хизмат қилишини таъкидладилар.

Президентлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясининг 12-13 феврал куллари бўлиб ўтган мажлиси якунларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Томонлар ўзаро савдо ҳажмининг муттасил ўсиб бораётганини қайд қилдилар. Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган қарорларини амалда бажаришга ўзаро тайёр эканликларини тасдиқладилар. Тошкентда Туркманистон Миллий кўргазмаси ўтказилишининг муҳимлиги қайд қилинди.

Президентлар маданият, санъат, туризм, спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маънавий ва гуманитар алоқаларни сақлаш ва мустақкамлашга содиқлик изҳор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон мавжуд ҳуқуқий пойдеворга таяниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг самарали бажарилишини таъминлаши мумкин. 2007 ва 2009 йилларда икки давлат пойтахтларида биргаликда ўтказилган концертлар икки халқ маданияти ақинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Долзарб халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳам, Туркманистоннинг ҳам минтақа ва халқаро миқёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлашга қўмақлашиш истақлари борлиги таъкидланди. Президентлар жаҳон ҳамжамияти мақсадлар умумийлигини аниқлаш, ҳозирги явф-хатар ва таҳдидларга қарши биргалик-

да курашиш зарурлигини тушуниб етиши, бу йўналишда амалий ишлар қилишга тайёр бўлиши бугун халқаро муносабатларнинг барча тизимларини собитқадам ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланганини қайд қилдилар.

Томонлар Афғонистонда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатилуши ва вазиятни барқарорлаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар икки мамлакатнинг Афғонистон масалалари бўйича халқаро ташкилотлар иштирокидаги музокара-лар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш бўйича ташаббуслари муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Марказий Осиёда кенг доирадаги трансчеғаравий таҳдидларга қарши — терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги манфаатлари бир хилдир.

Президентлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларини муҳокама қилдилар. Бу масалалар минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принцип-

рига асосланиб ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқиши лозимлиги қайд қилинди. Шу билан бирга трансчеғаравий дарёлар манбалари ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик, шунингдек, манфаатдор томонлар билан трансчеғаравий дарёларда гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда ошкоралик ва ҳабардорлик принциплари асосида мустақил халқаро техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизалар ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Музокара-лар асосида фақат давлатларнинг биргаликдаги уришишлари, уларнинг дунё тараққийётнинг энг муҳим масалаларига нисбатан келишилган принциплар ва ёндашишларга содиқлиги жаҳон ҳамжамиятига ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш усулларини топиш имконини бериши қайд қилинди. Бу тўла равишда энергия манбаларини транспортровка қилишда энергетика хавфсизлигининг глобал тизимини шакллантиришга ҳам тегишлидир.

Давлат бошлиқлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда Туркманистон ташаббуси билан қабул қилинган «Энергия манбаларининг

ишончли ва барқарор транзити ва унинг халқаро ҳамкорлики оғишмай ривожлантириши таъминлашдаги роли» номли резолюцияси ва ундаги 2009 йилда Ашхободада энергия манбаларини жаҳон бозорларига транспортровка қилиш масалаларини муҳокама этиш учун халқаро конференция ўтказишга берилган мандатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўз табиий газ захираларининг дунё бозорларига қиқш маршрутларини диверсификация қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишдан манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар.

Президентлар бир-бирини қизиқтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама масала ва муаммолар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни максдага мувофиқ деб билдилар. Шу маънода халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш масалалари, шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида ҳамкор-

лик каби энг долзарб иқтисодий масалалар, маданий-гуманитар ва бошқа бир-бирини қизиқтирадиган соҳаларда ҳамкорлик масалалари устувор ҳисобланди. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражада ўтказилди. Жумладан, давлат раҳбарлари, икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари раҳбарлари даражасида, расмий делегациялар ташрифлари чоғида.

Президентлар тарихан шаклланган алоқаларга асосланган Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари юқори, сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон халқларининг тўб манфаатларига, уларнинг фаровонлигини оширишга жавоб берадиган дўстлик ва ўзаро аниқлашу руҳида тўла равишда мос келишига ишонч билдирдилар.

Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовга, бутун ўзбек халқига Туркманистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай вақтда Туркманистонга расмий ташрифи буюришини тақлиф қилди. Ташриф муддати дипломатик қаналлар орқали келишилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2009 йил 25 феврал

Туркманистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ

Ф лорида университети олимлари қуйидаги статистикадан ўзига хос хулоса чиқаришди. Яъни 2007 йилда денгиздаги наҳанглар одамларга 71 марта ҳужум қилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 17 фоизга камайиб, 59 тага тушибди. Сабаб? Тадқиқотчилар бу ўзгаришни ҳам молиявий инкироз билан изоҳлашди. Эмиш-ки, маблағнинг чўғи ўчган, денгиз соҳилларида ҳордиқ чиқарувчилар сони камайган.

Ана ҳолос. Маъзиларга қўйиб берсангиз, қорнинг қам ёғишини ҳам иқтисоддаги танглик билан боғлашди. Дунё матбуотини варақласангиз, интернет сайтларига назар ташласангиз, молиявий инкироз бўҳронини АКШ, Европа мамлакатлари бўйлаб «кезиб юрганини» муттасил ҳикоя қилишди. Қаерда қанча одам ишсиз қолди, қайси қорхона ёки концернининг куни битди — бу ил ташвишли хабарлар беихтиёр одамнинг юрагини сиқади.

Қизик, қурраи заминда ахборот суръати товушдан тезузар самолётларни ҳам қувиб ўтиши инсониятга қулайлик келтиришдан ташқари ташвишга ҳам сабаб бўлиши мумкин экан. Халқимизда «Курмайин ҳам, куймайин ҳам» деган нақл бор. Модокими, жаҳон миқёсида шунча талотўпу эврилишлар содир бўлаётган бўлса, ундан кўз юмиш тўғрими? Кексаларимиз дуо қилганларидея «Юртимизни ҳар қандай бало-қазолардан ўзи асрасин» деб илтижо қилишди. Лекин кутилмаган хуржлар дуо билан даф бўлиб кетавермайд.

Бирор нарсага қарши курашиш учун, аввало, унинг табиатини, ҳаракат йўналишларини, тўб илдизини аниқлаб олишимиз керак. Ҳўш, молиявий инкироз нима дегани? Иқтисодчилар тили билан айтганда, товар ёки хизматларга бўлган талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанат бузилса, молиявий инкироз юз беради. Бир маҳсулотга эҳтиёж каттаю, уни ишлаб чиқарувчилар кимнингдир лафзсизлиги оқибатида етказиб беролмаса, умумий маром издан чиқади. Ва аксинча, бир тизимда кўплаб маҳсулот чиқарилади, унинг харидори эса маблағ етишмаслиги боис сотиб ололмайди. Уша мабланнинг чўғи камлиги эса санжирнинг бошқа томонида халқа узилганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Молиявий инкирозга ким айбдор? Шундай оқибат рўй бериши ўзга сайёрадан келган жонотларнинг иши бўлмаса керак? Бу ўринда аввало инсон омили сабабчи ҳисобланади. Баъзан ўша шахс ким деб савол қўйилмоқда. Айрим ахборот агентликлари, нашрлар Америкада ипотекали кредитлаш тизими ташаббускорларини, саккиз йил олдинги амалдорларни инкироз сабабчилари сифатида тилга олишмоқда. Фикримизча, бу фойдасиз машғулот. Жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарқаб кетган иқтисодий бўҳронга битта-ярифта одамни айблаш мантанидан эмас. Ундан кўра бу мушкулликдан халос бўлишнинг йўллари ҳақида ўйлаш наф бериши мумкин.

Донишманддан сўрашибди: Акли инсоннинг донадан қандай фарқи бор? Акли одам мураккаб вазиятга тушиб қолса, ундан чиқиш йўлини эҳзини ишга солиб топади. Дону киши эса, ҳўшёрлиги туфайли мураккаб вазиятга тушмайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган сиёсат,

танланган йўл дунё бўйлаб кезиб юрган молиявий инкирознинг шабдасидан ҳам халқимиз зарар кўрмаслигига қаратилган. Давлатимиз раҳбари йил якунларига бағишланган ҳукумат йиғилишида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартаф етиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонини 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривож-

нинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмида хизмат кўрсатишни бақолатлайди. Минг шўрқки, бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ.

2008 йил якунлари бўйича юртимиздаги банклар ўз фаолиятларини тахлил қилишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклар ўртасида танлов ўтқа-

Дарвоқе, шу йил 28 февралда «Истиклол» саройида Максим Галкин концерт залини тўлдириб ўтирган томошабинларга қарата «Сейчас у нас кризис. А вам повезло» деганда бу эътирофдан юртдошларимизнинг кўнгли гурурга тўлганини шу сатрларнинг муаллифи ўз кўзи билан кўрди.

Утган йил охирида Халқаро Валюта Жамғармаси Миссияси Ўзбекистонга ташриф буюриб, мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсат бора-сидаги режаларини ижобий баҳолди. Қўшма баёнотда маълум қили-

нинг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақлаб қолинади. Шу ўринда анча йиллар муқаддам баъзи сиёсатчиларнинг «Нега Ўзбекистон четдан кўплаб кредит маблағларини олиш имкониятидан фойдаланмайти?» деган илдиълари ёдимизга тушди. Ота-боболаримиздан ўтиб келган удув бор: «Олмоқнинг бермоғи бор». Агар ҳўшёр ва ваэмин мулоҳаза юритилса, қарз бераётган субъект биздаги ривожланиш ҳақида эмас, балки вақти-соти келганда, ўша қарз устамаси қаҳқида, қолаверса, ўзига қарам қилиш ҳақида ўйлайди. Узоққа бормайлик, иқтисодий инқилоблари билан тилга тушган ён қўшимиз Қозғистоннинг таққи қарзи 105 миллиард АКШ долларидан ошибди. Бу миқдор мамлакат ялли ички маҳсулот ҳажмига яқинлашиб қолади. Қарзининг 45 миллиард доллари тижорат банклари улушига тўғри келади. 2009 йилда банкларга 11 миллиард доллар ҳажмидаги қарзни узиш вазифаси қўйилган. Шундай шароитда иқтисодийнинг кредитлаш масаласи қандай бўлишини изоҳлаб ўтирмайлик.

Ўзбекистон иқтисодиёт оламидаги ҳар хил ўйинлар, дақнашишини ўзига эл кўрмайди. Биз истиклолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётга ўтиш модели йилдан-йилга илгариллаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пух-

қўриб чиқишни тақазо этади. Қаерда маҳсулот тайёрлаш бир томонлама иқтисодлашган бўлса, унга эҳтиёж пасайган бўлса, ўша ерда аҳоли қўйин кечади. Шу маънода олганда, Ўзбекистон дунёдаги жуда кўп мамлакатларга нисбатан табиий ҳом ашё ресурсларига бой ўлка. Айни пайтда биз инкироздан жиддий зарар кўраётган давлатлар билан тўлиқ интeграциялашган эмасмиз. Юртимиз заминидея пахта, галла, рангли мева, углеводородлардан ташқари яна турфа бойликлар мавжуд. Менделев ё даврий тизимидеяги барча моддалар Ўзбекистон ҳудудида муҳассам. Демак, бу борада маҳсулот ва хизматлар маркетинги яқши йўлга қўйилиши керак. Товар айланмаси қанча жадал ҳаракат қилса, ишлар ҳам шунга монанд юришади. Чиқарилган буюмини омондор қалаштириш сақлаш даври ўтиб кетди. Гап эмас, амалий иш бирламчи бўлмоғи лозим.

Лекин молиявий инкироз мавзуда ақл ўргатиш, тилга эрк бериш, маҳмадонаник қилиш баъзи хориждаги телеканалларнинг эрмағига айланганга ўхшади. Утган хафта Москванинг 1-канали шу мавзуда экспертлар, тадқиқотчилар, журналистларнинг баҳсини берди. Бутун кўрсаткич давомида бири олиб, бири қўйишди. Қий-чув, тортишув авжига чиқди. Якунда бирор хулоса ҳам бўлмади. Ахир баҳсда ҳақиқат аниқлигини керак эди-ку. Худди шунингдек, 2008 йил ноябрида, 2009 йил бошида аввал 20 та давлат раҳбарлари, кейин 7 та йирк давлат молия вазирлари молиявий инкирозга қарши чора кўриш максдаида учрашиллар. Бу саммитларда ҳамма ташвишга тушаётганини айтди, ислохот зарурлигини маълум қилди. Лекин ўша ислохот нимадан иборат бўлиши кераклиги ҳақида чўрқ этишмади.

Бизнинг халқимизда, Фарб мамлакатларидан фарқи ўларок, барикенглик, инсоф, диниёт, бир-бирини қўлаб юбориш каби эзгу хусусиятлар бор. Бу жиҳатлар Европага хос дунёқараш — биқиклик, бетгачопарлик, эгоцентризм тушунчалари олдида устуворлик қилади, албатта. Манаман деган ҳисобдонларнинг статистик бюллетенларида инфодалаб бўлмайдиган шарқона қадриятлар юртимизга фойза-барақа ато этмоғи керак.

Кеча пойтахтимизнинг Фарход бозорига киришга тўғри келди. Пойтахтларда ноз-неъматлар шунақа қиройли торилганки, закингизга келади. Хандон писта, бодом, данаклар шаффоф идишларга нозик дид билан териб чиқилган. Гуручининг унлаб турлари сотилмоқда. Энг арзонини «Нукус» гуручи экан. Сотувчидан сўради:

— Қорақалпоғистондан олиб келгунча қанча ҳаракат кетгандир. Арзон сотсангиз, зарар кўрмайсизми? — Бизга шу нархда қолгани ҳам етади. Шундай тинч замонда яшаётганимизга шўқ. Олинг, ош бўлини! Турчу сотаётган юртдошимнинг юз-кўзларидея хотиржайлик, розиликни қуриб, шундай қунларимизга кўз тегмасин, деган ниёт кўнглимдан ўтди.

Ш. ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Кўнга



лантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини эълон қилди. Биринчи навбатда халқ фаровонлиги, меҳнатқаш омма манфаатларини кўзлаган вазифалар белгилаб берилди. Бугунги давр олдинга қўяётган долзарб топшириқлар ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходимнинг кундалик фаолиятида акс этиши лозим. Сиз ишлаб чиқараётган маҳсулот энг сўнгги ютуқлар акс этган дастгоҳда тайёрланганими ёки ҳамон даққиқонусдан қолган усулда эскича чиқариляптими? Бу буюмлар дунё бозоридея қандай ўтяпти? Бордию чет эллик шериклар инкироз туфайли харид қобилиятини йўқотган бўлса, ички бозоримизни таъминлаш ҳақида қандай тадбир кўрдигиз? Маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун нима янгиликлар жорий қилдингиз? Эртанги кунни, индинни ҳам ҳисобга олувчи стратегик дастурга эгамисиз? Ана шу саволларга ижобий жавоб толган раҳбар молиявий инкироз хатаридан чўчимаса бўлади.

2008 йил якунлари ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнглини тўқ, ишончини мустақкам қилади. Иқтисодий инкироз дунё миқёсида банклар фаолиятида яққол кўриняпти. Биздаги банклар давлат ўтказган ислохотлар натижасида капиталлашгани, дидил етказга тургани барчани ҳўшунд этади. Мамлакатимиз банкларининг жами капитали, қўшимча ресурсларини жалб этиш ҳисобидан, 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткич, насиб этса, 2010 йилгача бўлган даврда икки баробар ошади. Бугунги кунда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахслар-



нишича, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган давлатлар молия бозорлари билан тўлиқ интеграциялашганлиги сабабли хорижий кредитлар ва капитал оқинининг кескин камайиши ҳисобидан жиддий зарар кўриш эҳтимоли йўқ. Миссиянинг фикрича, расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш максдаида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан, кенг қамровли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йилда, иқтисодий ўсишининг бироз пасайишига қарамай, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг ижобийлиги, савдо ва тўлов баланси-

Бизнинг суҳбат

«Йўлларимиз қишлоққа туташади...»

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Аскарвали СУЛТОНОВ билан суҳбат

— Маънавият нафақат инсоннинг, балки жамиятнинг ҳам қувватидир. Қасаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди.

Сафда олти миллиондан ортиқ аъзони бирлаштирган Федерация кенгаши «Инсонга наф келтириш — олий бахт» тамойили асосида иш олиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Чунки нуфузли ташкилотимиз учун инсон қадри ҳар нарсадан улуғ!

Бугунги кунда одамлар, жумладан, ёшларимизда миллий гуруҳ туйғуси, халққа, Ватанга меҳри, ҳаётга, меҳнатга муносабати, айниқса, юртдан фахрланиш, масъулият ҳисси кучайди. Бу мустақиллик шарофатидан. Бинобарин, буюк аждодларимиз эъзозлаган миллий меросимиз, қадриятларимиз, шонли тарихимиз ёшларимиз тафаккури ва онгига сингиб боргани сайин ихтиёбимиз шунақалар нури бўлади.

Федерация кенгаши «Ёшлар йили» дастур тадбирларида ёшларнинг маънавий дунёқаролини ўстириш, уларни она-юртга, оиласига, ота-онасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, бундан ташқари спортга жалб қилиш мақсадида «Ўзбекистон ёшлари», «Гўзал ва мафтункор Ўзбекистоним» мавзусидаги фото кўргазмалар, плакатлар ва буклетлар тайёрлаб, барча олий ва ўрта махсус ўқув юртли, корхона ва ташкилотлар ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига тарқатди. ЎзКУФК Курортлар бошқармаси томонидан Фарғона вилоятида «Ҳамшира — 2008» танлови ҳамда барча санаторийларда тиббиёт ходимлари иштирокида ёш аёллар билан саломатлик сирлари мавзусида суҳбатлар уюштирилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ёш мавсумида барча стационар турдаги оромгоҳларда Федерация кенгаши томонидан тайёрланган 6 турдаги DVD дисклари намойиш этилди.

Халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ва миллий анъаналарини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ниятида «Миллий анъаналар давом этиди» мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Тошкент, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳридаги кўплаб корхона ва ташкилотларда давра суҳбатлари ўтказилди. Жойлардаги маданият уйлари, саройлар ва клубларда ёшлар форумлари ташкил этилди. Ёшлар ташаббуслари маркази «Келажак овози» билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Айниқса, пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ёшлар интеллектуал форуми юқори савияда ташкил этилгани ҳам алоҳида таъсирга лойиқ. Шу билан бир қаторда «Келажак овози» танлови доирасида Қашқадарё, Фарғона, Бухоро вилоятларида «Келажак ёшлариники», «Шу азиз Ватан барчамизники» деб номланган форумлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Барча ҳудудларда таниқли фан ва маданият намояндлари, халқро ва республика олимлари, шунингдек, турли фестивал ва танловлар соҳиблари билан учрашувлар ёшларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ошириш, ихтидорли талабалар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

— Бир донишманд зот шоғирларнинг «Нима қилсак яхши яшаймиз» деган саволига: «Бир йил яхши яшайман десанг — бугудой эк. Ўн-йигирма йил тўкин яшайман десанг — боғ ярат. Агар бир умр фаровон яшайман десанг, оқил ва доно фарзанд тарбияла» деган экан. Ёшлар тарбияси юртимизда давлат сийсати даражасига кўтаришга бўлиб, навқирон авлоднинг кўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш Федерация кенгаши зиммасига ҳам катта вазифалар юклатмоқда.

— Бунинг исботи учун рақамларга мурожаат қилсак. Утган йили ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 147 миң нафар кам таъминланган оила вақиллари, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулганга қадар бўлган 20 миңдан ортиқ ёш оилаларга моддий ёрдам, икки миңдан ортиқ янги оилаларга ўй-жой қуриши ва узок муддат фойдаланадиган товарлар учун фойсиз сўдалар берилди. Бундан ташқари, корхоналарда ишлаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харидининг бир қисми тўланди, 857 нафар ихтидорли талаба ва ўқувчиларга қасаба уюшмаларининг устама стипендиялари жорий этилди.

Турли байрамлар муносабати билан кам таъминланган, кўп бола оилалар, етим-есирлар ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига ҳошимлик ёрдами кўрсатилди ва совғалар топширилди.

Кези келганда яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ёшлар йилида навқирон авлод вақилларига бўлган эътибор ҳам қанондан кучайди. Энг сўлим масканлардаги санаторийлар, дар олий уйлари, ёзги оромгоҳлар улар ихтиёрида бўлди. ЎзКУФК Курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда 8522, корхона ва ташкилотлар қосидаги санаторий-профилакторийларда 8020 нафар ёшлар соғломлаштирилди. Курортлар бошқармаси томонидан «Умид гулшани» санаторийига МЧЖга фарзанд қўрмаган, ишлаётган ёш оила вақилларига имтиёзли йўлнамалар ажратилди.

Ёш мавсумида барча турдаги соғломлаштириш оромгоҳларида 250 миңдан зиёд бола дам олдирилди. Шундан 4266 нафари «Меҳрибонлик» уйи, мактаб-интернати тарбияланувчилари, коллеж ва лицей ўқувчилари, 5 миңгача яқини Оролбўйи минтақасидаги, 2 миң нафардан зиёди Бухоро вилояти Когон шаҳри болаларидан иборат бўлди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази билан ҳамкорликда Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида 581 нафар ёшлар учун ёзги ўқув оромгоҳи ташкил этилди. Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, Бўстонлик туманидаги энг ҳушманзара Чимган қишлоғида «Кўёшли» ёшлар соғломлаштириш мажмуасининг қурилиши бошланди.

— Юртимизда спортнинг ривож учун ҳуқуқий пойдевор, иқтисодий замин яратилган бўлиб, бунда қасаба уюшмалари тасарруфидagi спорт мактабларининг ҳам ўз улуши бор. Шундай эмасми?

— Бунинг уйланиши, Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган 29-ёзги Олимпиада уйларида қасаба уюшма спортчиларидан 17 киши иштирок этиб, яхши натижаларни кўлга киритгани ҳам тасдиқлайди. Олимпиада уйлари иштирокчиларининг Федерация кенгашида қабули уюштирилиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қолаверса, мамлакатимизда аҳолини соғломлаштириш, бунинг учун спортни янада оммалаштириш, ҳусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғломлаштиришга йўналтирилган спартакиада ва спорт тадбирлари Федерация кенгаши ва унга аъзо ташкилотлар томонидан катта тайёргарлик қўрилган ҳолда ва байрамона тарзда ўтказилмоқда. Чунки, «Саломатлик», «Аёллар» спартакиадалари шулар жумласидан.

— Қишлоқ фаровонлиги ва тарққийти йилда қасаба уюшмалари қандай эзгу ишларни режалаштирган?


— Ҳеч бир муволаҳазасиз, ўтган даврда асрларга татигулик эзгу ишлар амалга оширилди. Бу йил навбат қишлоққа келди. Ва айни муддао бўлди. Қишлоқ тарққийти эътибори фаровонлиги ошса, ҳам ашб кўпайди, шаҳар ҳам гуркираб ўсади, нарх-наво арзонлашади. Негаки, «Ер деҳқонини боқадим, деҳқон эса элни боқадим». Қолаверса, ўзбек деҳқонининг феъли барчамизга аён. У она-ерни, она-табиатни севади. Дўпқисиди сув ташиб бўлса ҳам даряхт кўқартиради, ташландиқ ерни обод қилади.

Федерация кенгашининг бундай тадбирлар дастурида ҳам қишлоқ ҳўжалик ходимлари ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила аъзолари ҳамда фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш, қолаверса, улар ўртасида маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш орқали бундан ташқари сермазмун ўтказиш каби масалалар асосий ўринни эгаллаган.

Имзоландиган жамоа келишувлари ва шартномалари орқали қишлоқ жойларда истикомат қилинадиган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, фойсиз ошуда ажратиш каби масалаларни ҳал этишини режалаштирганми. Қишлоқда иш ўринлари ва шароитларини яратиш аҳоли қасаба уюшмаларининг доимий назоратида бўлади. Ҳуқуқ, бу йил эзгу ишларимиз ҳам, йўлларимиз ҳам қишлоққа туташиб кетади.

Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Қашқадарё



Деҳқон қалбидай кенг дала-ю даштлар, субҳи-содиқда хонадонлардан таралаётган сут ҳиди, тандирларда қуёш янглиғ қип-қизариб пишган бугдой ноннинг тотли таъмига нима етсин?!

Бир томони осмонга кифт тираган асрий тоғлар, бир ёни мевалари қулф уриб турган шарбатга тўла боғлар, иккинчи ёнини бепоён чўллар ўраб турган бағри кенг воҳанинг мамлакат иқтисодиёти ва маданий турмушида ўзига хос ўрни бор.

Икки ярим миллиондан зиёд аҳолининг қарийб олтишар фоизи қишлоқларда яшаётган серқуёш воҳанинг ҳудуди 28,4 миң квадрат километр ёки мамлакат умумий ер майдонининг 6,3 фоизини ташкил этади.

Амударё сувини 132 метр балангликка кўтариб, қўриқ ерларга ҳаёт бағишлайдиган дунёдаги энг ноёб насос станциялар, сизими, 1,6 миллиард кубометрли Талимаржон сунъий денгизи, Чимқўрғон, Пачкамар, Ҳисорак сув омборларидан тортиб, ихчам технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналар... Улар нафақат Қашқа воҳаси, балки Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини ошириб, эл дастурхонига барака киритмоқда.

Тараққийёт ва фаровонлик

Фермерлик ҳаракати ва қасаба уюшмалари

Ҳар йили ярим миллион тоннага яқин пахта, 800 миң тоннадан зиёд дон ва вилотимизда қишлоқ ҳўжалигига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йили маҳаллий бюджетдан тармоққа 1 миллиард 472,5 миллион сўм харажат қилинган бўлса, жорий йилда 2 миллиард 152,2 миллион сўм ажратилди. Бу ўз навбатида «Қишлоқ тараққийети ва фаровонлиги йили» давлат Дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлади.

Тўкинчилик манбаи



2007 — 2010 йилларда биргина Қарши насос станциялари каскадини тиклаш учун 36,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Президентимизнинг «2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида 37 та иншоотда тиклаш юмушлари олиб борилаёпти. «Сичанқўл» зовурини реконструкция қилишга киришилди. Ҳузур, Косон, Миришкор, Муборақ, Касби, Чироқчи туманларида коллектор-дренаж тизимини такомиллаштириш чоралари қўрилмоқда. Бу йил ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига 10 миллиард 32,8 миллион сўм ажратилди.

Халқимизда «Ер деҳқонини боқадим, деҳқон ҳаммани», деган мақол бор. Ерни эъзозлаган кам бўлмади. Фермер ҳўжаликлари йириклаштирилиб, уларнинг сони 9 миңгача келтирилди. Бунинг натижасида 168 миң нафар иш билан банд бўлган фуқаро ишга жойлаштирилди.

Хозирги пайтда вилотимизда қорамоллар 885 миң 504 тага, шу жумладан, соғин сиғирлар 362 миң 582 тага етиб, 112,6 фоизга ошди. Қўй ва паррандалар сони ўсиб, гўшт, сут, туҳум етиштириш кўпайди. Балкичилик ва асаларчилик ривожланмоқда.

Деҳқончилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалиқларига соғин сиғир ҳамда паррандалар олиб берилди. Ҳар бири 500 миң жуғж очиреш имкониятига эга 10 та хусусийлаштирилган инкубаторлар ишга тушди. Украина ва Польша давлатларидан 1000 бошга яқин насддор ва серсут қорамоллар келтирилиб, ҳўжалиқларга тарқатилди.

Қишлоқ аҳолиси хонадонларида чорва моллари сонини кўпайтириш тадбирлари белгиланган. Ҳар бир оиллага сиғир, қўй ва парранда сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилаёпти.

Тармоқ тизимидagi корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали жорий йилда қасаба уюшма аъзолари, уларнинг оилалари ва фарзандларининг турмуш шароитини яхшилаш учун 385 миллион 374,4 миң сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Қишлоқ — мўл-қўлчилик, тўкинчилик манбаи. У бой бўлса, ризқ-насиба бут бўлади.

Илҳом САБДАРОВ, агроноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси вилот кенгашининг раиси

Ватан — остонадан бошланади

Мамлакатимизда адолатли, эркин, кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат шаклланиётган ҳозирги жараёнда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда. Жойлардаги 152 та қишлоқ, 436 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасини юксалтириш, миллий анъана ва удувларини боғлаш, маданий-маърифий тарғибот ишларини йўлга қўйиш, тинчлик ва осойишталикни мустақамлаш, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантиришда фавқулоқ кўрсатишмоқда.

Миришкор туманидаги «Обод» маҳалласи ўзининг кўркем ва орасталиги билан ажралиб туради. «Гўзаллик саломи», ўнлаб савдо шохобчалари, қишлоқ врачлик пункти аҳоли хизматига. «Чехра» кичик корхонасида нимча, қўйлак, халат, келин либослари, турли зар-

тўйхона, чойхона, новвойхона, қассобхона, сартарошхона, тиббиёт пункти барпо этмоқда.

Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гўлсум Хўрамова аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тинч-

Меҳр-оқибат кўрзони

боф тўн ва зардўзлик буюмлари тайёрланади. Бу ерда ишлаётган 15 нафар хотин-қиздан ташқари яна 12 киши касаначилик билан машғул.

Қарши туманидаги Ровот маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича 30 нафар хотин-қизга касб ўргатиб, «Юлдуз» хусусий корхонасини очди. Шунингдек, фольклор-этнографик ансамблини ҳам ташкил этди.

Қашқа туманидаги Қорасув маҳалласида тадбиркор Баҳодир Мазоров ўзининг қандолатчилик ҳеҳидан тушган фойда вазағига маҳалла гузарни, супермаркет дўкони,

Ирсонпарварлик, меҳр-шафқат, кам таъминланганлар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Жорий йилда эҳтиёманд оилаларга бериладиган нафақалар ва моддий ёрдамлар учун молиялаштирилган маблағлар миқдори кўпайди. Боласини икки ёшгача парвариш қилаётган оналарга 54 миллиард сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 51 миллиард ҳамда кам таъминланган оилаларга 4,3 миллиард сўм моддий ёрдам ажратиб белгиланди.

2008 йилда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини молиялаштиришга 3 миллиард 599,8 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу мақсадлар учун 5 миллиард 396,3 миллион сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ, маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгуси. Нуфузли ва ноёб тузилма одамлар қалбига йўл топиб, уларнинг оғирини енгил қиладиган меҳр-оқибат кўрзони сифатида ривожланиб бормоқда.

Долли АЛЛАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилот бўлимининг раиси



Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, барқамол авлодни камол топтириш тўғрисида кўрсатилаётган гамхўрликнинг самараларини вилотимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Умумтаълим мактаблари, академик-лицейлар, касб-хўнар коллежларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, соҳа ходимлари учун замонавий шарт-шароитлар яратилаёпти. Таълим мазмуни ва сифати такомиллаштирилмоқда.

Ўтган йил воҳада 55,6 миң ўринли 203 та мактаб, 12,6 миң ўринли 18 та касб-хўнар коллежлари фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 84 миллиард 837,8 миллион, касб-хўнар коллежлари қурилишига 36 миллиард 550 миллион сўм маблағ сарфланди.

Нафақат бюджет, балки ҳошим ташкилотлар маблағлари ҳисобидан таълим масканлари барпо этилаётганлиги дилларни қувонтиради. Шўртан газ киёли мажмуаси 1 миллирдан 600 миллион сўм маблағ сарфлаб, Нуристон қўрғонига хозирги замон андозаларидаги 630 ўринли мактаб (ахборот-ресурс маркази билан бирга) ва 140 ўринли «Эркатой» мактабгача таълим

муассасасини бунёд этганлиги ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. Жорий йил вилотда мактаб таълимини ривожлантиришга Давлат умуммиллий дастури доирасида 74-мактабнинг қурилиши ва қайта реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Ушбу мақсадлар ва шунингдек, мактабларни меъёлар, синф жиҳозлари, ўқув лаборатория асбоблари ҳамда спорт инвентарлари билан таъминлаш учун 31 миллиард 561 миллион сўм ажратилади. Ҳузур туманининг Тоғуртма, Деҳқонободнинг Тоғайтемир, Отқамар, Чўчқуқулук ва Қарши туманидаги Қоракўнғирот, Касби туманидаги Меҳрит қишлоқларида янги мактаблар қад кўтарилди.

Жорий йилда ишга туширилиши мўлжалланган 20 та касб-хўнар коллежи, 9 та 550 ўринли ётоқхона қурилиши ва реконструкция қилиш учун 44 миллиард 651 миллион сўм маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, касб-хўнар таълими ходимларини моддий рағбатлантиришга 3,5 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Қарши туманининг Хушвақт, Хилол, Китобдон Варганза, Бештерак, Косон туманидаги Андабозор, Ҳузурдаги Сағбоғ, Деҳқонободдаги Қизилмозор, Қарашина, Қашаши туманидаги Тўқбой қишлоқларида янги коллежлар фойдаланишга топширилади.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларни янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Китоб туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланади.

Қишлоқларда 21 та спорт иншоотларини фойдаланишга топширилиб, бунинг учун 3 миллиард 256 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Шерзод Йўлдошев, таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилот кенгаши раисининг ўринбосари

Қасаба уюшма ва ҳаёт



Қишлоқ тараққийети ва фаровонлиги йилда қасаба уюшма ташкилотлари ҳам меҳнат аҳолини жамоа шартномалари ҳамда келишувлар орқали ижтимоий ҳимоялаш, уларга кўрсатиладиган моддий-маънавий қўмакни кучайтириш тадбирларини белгиланади.

Вилот бирлашмаси, тармоқ кенгашлари ва вақилликлар томонидан тузилган дастурда қасаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш тадбирлари аниқ асқ эттирилди. Унга қўра муҳтож оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар ва нафақадарларга 9 йўналишда манзилли моддий ёрдам кўрсатилади.

Дастурда санаторий — курорт муассасаларига йўлланмалар ташкил этиш, болаларни ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, ўқув жўкзорлари ҳамда дарсликлар сотиб олиш, коммунал тўловлари харажатларини қилтириш, ошқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини билан таъминлаш, айрим талабалар учун шартнома пулларининг бир қисмини тўлаш, уй-жойларини таъмирлашга қўмақлаштириш, бепул чорва моллари тарқатиш каби мақсадлар қўзда тутилган.

Жорий йилда 3186 та муҳтож оилаларга 362,8 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Бу кўллаб-қувватлашнинг 310,2 миллион сўми корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан амалга оширилса, 52,6 миллион сўми қасаба уюшмалари ҳиссасига тўғри келади.

Абдураҳим ТўРАЕВ, вилот қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлими мудири



Вилоят

Модернизация шарофати

Президентимизнинг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ўзбектелеком акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги қарори асосида телекоммуникация тармоқлари тубдан янгиланмоқда.



Қишлоқлар интернетга уланди



142 километр узунликдаги Қарши — Термиз магистрал шиша толали алоқа линияси ишга тушганлиги бу соҳани ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Қишлоқларда 27 минг 552 нуктада АТС хизмат кўрсата бошлади. 18 та масканда янги автоматик телефон станциялари усқуналанди.

Дехқонбод, Қамаш, Ғузор, Қарши туманлари марказларида ўрнатилган рақамли телефон станциялари оптик толали алоқа линияларига уланиб, кишлоқларнинг узогини яқин қилапти. Чирокчининг Қўқдаласи, Қосон, Яққабоб қўрғонлари, Китобнинг Тахтақарачасида CDMA-450 стандартдаги янги тармоқ фаолият кўрсата бошлади.

Шахрисабз туманидаги Мироқ, Чоршанба қишлоқларида рақамли телефон станциялари ўрнатилди. Нишон туманидаги Эски Нишон, Миришкор туманининг Жейнов, Китоб туманининг Бектемир, Бобон, Айрончи каби 20 та қишлоқ телекоммуникациялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Яққабоб туманидаги Совуқбулоқ қишлоғида жойлашган 9-мактаб Билайн савдо белгиси остида уяли алоқа хизмати кўрсатаётган «Unitel» компаниясининг «Янги технологиялар — болаларга» дастури доирасида модем тизимига уланиб, интернет билан боғланди.

Жорий йилда Ғузор, Дехқонбод, Яққабоб, Қамаш туманларидаги тоғли ҳудудларни телефонлаштириш давом эттирилди.

Қўқор КАРИМОВ,
алоқа ходимлари бирлашган вилоят касаба уюшма кўмитаси раиси

Шаҳардагидан ҳам аъло



рақийёт банки ўртасидаги битимларга асосан Нишон, Ғузор, Чирокчи туман шифохоналари, Қасбидаги туғруқ мажмуасида таъмирлаш юмушлари ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда ҳар бирига 170-180 миллион сўм маблағ сарфланиб, Чирокчидаги «Ўзбекистон», Қосондаги Пўлати, Дехқонбоддаги Бойқўрғон, Шахрисабздаги Авазмалик қишлоқларида янги-

Ислоҳот инсон учун



Ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, соғлом оилани шакллантириш ва тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилапти. Вилоятда Соғлиқни сақлаш тизимига 70 миллиард 204 миллион сўм маблағ йўналтирилди. 29,8 минг нафар ходими моддий рағбатлантиришга 2 миллиард 535,4 миллион сўм ажратилди.

Қишлоқ врачлик пунктлари сонининг 257 тага етказилганлиги, бирламчи тез тиббий хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш имкониятини

яратди. «Саломатлик-2» лойиҳасининг иккинчи босқичида 64 қишлоқ врачлик пунктида 335,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. 189 та ҚВПга 764 миллион сўмлик жиҳоз ва усқуналар олиб берилди.

Ўзбекистон ҳукумати билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осие Та-

дан қурилган ҚВПлардаги шароит шаҳардагидан қолишмайди. Алоҳида лаборатория, эмлаш, даволаш, муолажа хоналари, хориждан келтириб ўрнатилган «ФЭК», ЭГК аппаратлари ишлаб турибди. Уларда хизмат қилаётган шифокорлар МДХ давлатлари ва чет элларда малака оширишган.

Чори ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Саломатлик-2» лойиҳасининг ижрочи директори

2009 йилнинг бош мақсади

Санъат



Бир масканки, кўнгли яйрайди...

Миришкор туманининг ўзбек ва туркман миллати вакиллари ҳамжихатликда яшайдиган олим Помук қишлоғидаги клуб ёшларнинг бундан ташқари мазмуни ўтказадиган гаўжум даргоҳлардан бири ҳисобланади. «Сарвиноз» фольклор-этнографик дастасининг чиқишларини муҳлислар интизорлик билан кутаётган бўлиб қолишган. Турли миллат вакиллари билан ўзаро ушбу гуруҳ Қайнарбулоқда ташкил этилган «Асрлар садоси» халқаро фестивалида ғолиб чиққанлиги ҳам беҳиз эмас.

Қаҳқадар ёлбозчилик мактабини дунёга танитган раҳматли Қодир баши Раҳимовнинг фарзандлари Қажор баши, Абдумурод, Баҳром, Баҳодирлар думбира чертиб дostonу термалар куйлаганда, ҳамма сел бўлиб тинглайди.

Ажойиб санъати билан чет элликлари-да қойил қолдирган Қаршининг «Момогул», Китоб тумани маданият уйининг «Ризвонгул», Шахрисабзнинг «Шодиёна»,

Фаровон турмуш учун йўллар чорлайди...

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилиши бизга улкан имкониятлар эшигини очди. 762 километр узунликдаги халқаро ва 2710 километр давлат аҳамиятига молик йўллар воҳа бағрига яшил камардек ярашиб тушди.

Дехқонбод қалий заводига олиб борадиган «Бешбулоқ — Тоғайтемир — Қўрғонтош — Хўжайпоқ», «Ғузор — Чим — Қўқдала» йўналишларида 38 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилади. Бу йўллар текис ва раволиги билан эътиборни тортади.

Бу йил республика бюджетни ҳисобидан давлат ва вилоят аҳамиятидаги йўллардан 151 километри таъмирланади. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 66 километр қишлоқ йўллари таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган.

Шуқурилло МИРЗАЕВ,
автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакилининг мутахассиси

Бугуннинг гапи

Вилоятимиз аҳолисининг 83 фоизи марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган сўнгги ўн йилда воҳа ҳудудида 2500 километр сув тармоқлари қурилганлиги, бу борада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилганидан далолат беради.

Сув келтирган азиз

иш бажарилди. Бунинг натижасида 341 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Сув келтирган азиз, деган мақол беҳиз айтилмаган. Вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ 2008 — 2009 йилларда 79 қишлоқда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади.

Қасби, Муборак, Миришкор ва Нишон, Қарши туманларида янги сув иншоотлари қуриляпти. Нишон — Бешкент магистрал сув қуварининг иккинчи босқичини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Дехқонбод ва Қамаш туманлари-
Илҳом ОМОНОВ,
енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили
Қўшаҳифани «Ishonch» мухбирлари Иззат ХИКМАТОВ ва Шарофат НОРКУЛОВА тайёрлади

Долзарб мавзу

Поездлар: йўлни кесиб ўтманг!

Ўзбекистон темир йўллари билан «Ўздавтемир-йўлназорат» инспекцияси томонидан республикамиз йўлларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.



Уларда йўл кесишмаларида поездлар билан автомобил транспорти тўқнашувларининг олдини олиш чораларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Чунки республикамиз ҳудудида биргина Ўзбекистон темир йўллари-нинг ўзига қарашли 567 та йўл кесишмалари мавжуд.

Тошкентда «Ўздавтемир-йўлназорат» инспекциясида бўлиб ўтган идоралараро кенгаш мавзуси ҳам республикамиз ҳудудларидаги темир йўл кесишмаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигининг олдини олиш, йўл кесишмаларини баҳор-ёз пайтларида ишлашга сифатли тайёрлаш ва ҳайдовчиларнинг хушёрлигини оширишга қаратилди.

Анжуманда Ўзбекистон темир йўллари бошқармаси раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳаракат хавфсизлиги Бош бошқармаси вакиллари, «Ўзавтйўл» ДАК ва Ўзбекистон дарё ва автомобил Агентлиги раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни очган «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаев республикамиз ҳудудларидаги йўл кесишмаларида поездлар ҳаракати хавфсизлиги борасидаги юз берган ҳодисаларнинг 2001-2008 йиллардаги таҳлиliga тўхталиб ўтди. Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари бу борадаги кино ва суратлашлар билан ҳам танишдилар. Ўтган йиллар ичида йўл кесишмаларида 250 марта поездлар билан автомобилларнинг ноҳуш тўқнашувлари содир бўлган ва оқибатда 60 нафар одам вафот этган.

Анжуман қатнашчилари томонидан бу борадаги юз берган барча воқеалар атрофида таҳлил этиб чиқилди. Таассуфки, барча ҳодисалар транспорт ҳайдовчиларининг айби билан содир этилган. Энг ачинарлиси,

қондабузар ҳайдовчилар поезд келаётгани ҳақидаги огоҳлантириш белгиларини менисимай, келаётган поезд олдида кесиб ўтмоқчи бўлишди. Бу билан улар ўзининггина эмас, ўзгаларнинг ҳаётига ҳам зомин бўлмоқдалар.

Мисол учун, бундай тўқнашувлардан 2007 йилда 8,2 млн. сўм, 2008 йилда эса 62 млн. сўмдан ортиқ иқтисодий зарар кўрилди.

Айни пайтда кун сайин автомобиллар сони ортиб борапти, поездларда юк ташиб кўпаймоқда, поездлар тезлиги ҳам ошмоқда. Ҳозирда Республикада автомобил транспортлари сони йилига 7 фоизга кўпаймоқда. Уч йил олдин аҳолининг 30 фоизи транспорт сотиб олиш кучига эга бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 65 фоизни ташкил этмоқда. Шундай бир шароитда ҳайдовчилар ўз хушёрликларини янада оширишлари керак. Темир йўл кесишмаси ҳаминша хавфли ҳудуд эканлигини унутмаслигимиз зарур. Ахир, поезд темирйўл изларида маълум теъликда келади ва зарурият юзасидан тормоз берилганда ҳам у тўхтагунча 800-1000 метрдан зиёд масофани босиб ўтади.

Анжуманда тарғибот ишларини, инспекция ходимлари, темирйўлчилар, йўлсозлар ва Республика ИИВнинг ҳаракат хавфсизлиги Бош бошқармаси ходимларининг ўзаро ҳамкорликда иш юритишларини кучайтириш, қондабузар ҳайдовчилар билан курашиш, бу борада мунтазам ишлайдиган ишчи гуруҳини тузиш, йўлларга замонавий йўл тўсиқларини, лозим бўлса, тажриба тариқасида видеокамералар ўрнатиш масалалари ҳам атрофида кўриб чиқилди.

А.ДАМИНОВ,
«Ishonch» мухбири
Суратда: анжумандан лавҳа.
Ҳасан ПАЙДОВ
олган сурат

БЕКБОДАДА

БАҲОР АЙРАМИ



Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва Халқ демократик партиясининг вилоят кенгаши ҳамкорлигида Бекбод шаҳрида «Қишлоқда бегойим» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг туман ва қишлоқларида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Тадбирда касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши раиси, ХДП «Фалол аёллар қаноти» вилоят бўлими раҳбари Мухайё Тулаганова йиғилганлари кўтар экан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида вилоят партия ва касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Шунингдек, байрам дастурхони атрофида йиғилганларни Қонунчилик палатаси депутати, ХДП Марказий кенгаши Раисининг ўринбосари Ш.Абдуллаева, Омбудсман С.Рашидова, вилоят ҳокимлиги оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш бўйича қотибият мудири И.Ҳалимова, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, халқ шоири Маҳмуд Тоир яқинлашиб келаётган халқаро хотин-қизлар байрами билан қизгин табриқлашди. Вилоятнинг танқили санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқлар даярага баҳорий кайфият улашди.


Тадбир сўнггида ҳар бир иштирокчида вилоят касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Аграрсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда АСМ ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши ҳаммаълари вилоят Кенгаши раиси Бердужон Тожиевга акиси
Қайнар ақанинг
вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

МАМАШИНИЙ БОРАР ФАСЛААР...



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

«Ishonch» бизга ишонч берди

«Ешлар йили» муносабати билан ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ishonch» газетаси «Мен ёшликман» номли танлов эълон қилганлиги ва унинг натижаларига кўра Хоразм вилоятдаги «Тумарис издошлари» журналист аёллар клуби қошидаги Маҳорат мактаби голиб деб топилганидан муштарийларимизнинг хабари бор.

Ушбу муваффақиятни хоразмлик ёшлар мамнуният билан қарши олишди. Яқинда вилоят маънавият ва маърифат марказида танлов голиблари қутланди. Тадбирни вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиги К.Жуманиёзов очди ва вилоят ҳокимининг табригини ўқиб берди. «Ishonch» газетаси томонидан эълон қилинган «Мен ёшликман» танлови ва «Эътироф» гранти қўллаб истеъдодларни юзага чиқаргани қувончли ҳол. Бу инсонга наф келтиришни олий бахт деб билувчи касбага уюшмалари ва унинг наشري ўз широгога нақадар содиқлигидан нишона, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Э.Худойназаров. — Ушбу нуфузли танловда вилоятимиз ёшлари фаол иштирок этгани ва голиб чиқгани бизни беҳад мамнун қилди. Маҳорат мактаби раҳбари ва аъзоларини ушбу муваффақият билан қутлар эканман, газета тахририятига ҳам раҳмат айтаман.




Мухаббат ТЎРАБОВЕВА, «Ishonch» мухбири

Ғолибларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Ш.Норбоев «Камолот» фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари, таълим ва фан ходимлари касбага уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари Қ.Маширипов кенгаш фахрий ёрлиги ва эсдалик совғаларини топширди. «Ishonch» бизга ишонч ва имкон берди. Бу муваффақиятларимизнинг дебосчаси бўлади. Аъзоларимиз сафи кенгайиб бораверида ва мактабимиз қўллаб буюк ижодкорларга бешик бўлади деган умиддаман, — деди маҳорат мактаби раҳбари Ш.Эшонова.

Тақдиримга яна бир ўзига хос синов ёзилган экан: биринчи фарзандим дунёга келишида ой-куним етиб, дард тутилган туғруқчоюда ётарканман, уртага тутилган оқ чойшабининг орқасида ўтирган доя билан ҳамширанинг галлари шундоқ эшитилиб турарди. Улар меннинг ёшим ўттиздан ўтганлиги учун туғруқ оғир кечишдан хавотирдан эдилар. Лекин икки дунё оралигидан ҳеч қандай дориларсиз, табиий ва осонлик билан қизимни бағримга босиб янгидан ҳаётга келдим. Ундан кейинги ўғлим, кизим ҳаётга келишида дояга: «Мен яхшиман, дунё қандай дори-дармон, тезлатувчи воситалар керак эмас», — деб келишиб олардик...

...Биз ўқувчилик пайтимизда, шаҳарда яшаганимиз учун мактабимизнинг

Қизим сенга айтаман...



Хотин-қизлар спорт билан шуғулланишининг аҳамияти ҳақида гап кетганда бейхитёр ҳаётим кўз ўнгимдан ўтади.

Айримлар: «Болам жуда ювощ, хархаша қилмайди, бир жойда жимгина ўтиради», — дейишди. Яна бировлар фарзандининг тиниб-тинчимаслигини айтиб, нолиб қўяди. Аслида, инсон боласи дунёга келгандан қанча серҳаракат бўлса, бунга қувониб керак, демак, у соғлом, кучли ва ғайрати ву-

Ҳотин-қизлар спорт билан шуғулланишининг аҳамияти ҳақида гап кетганда бейхитёр ҳаётим кўз ўнгимдан ўтади. Айримлар: «Болам жуда ювощ, хархаша қилмайди, бир жойда жимгина ўтиради», — дейишди. Яна бировлар фарзандининг тиниб-тинчимаслигини айтиб, нолиб қўяди. Аслида, инсон боласи дунёга келгандан қанча серҳаракат бўлса, бунга қувониб керак, демак, у соғлом, кучли ва ғайрати ву-

Кейин қўл тўпи бўйича шаҳар, вилоят терма жамоасида ўйнадим, ҳатто мактабни битираётганимизда вилоят терма жамоасининг мураббийи хужжатларини институтнинг жисмоний тарбия факултетига топширишимни истагандим...

Тақдиримга яна бир ўзига хос синов ёзилган экан: биринчи фарзандим дунёга келишида ой-куним етиб, дард тутилган туғруқчоюда ётарканман, уртага тутилган оқ чойшабининг орқасида ўтирган доя билан ҳамширанинг галлари шундоқ эшитилиб турарди. Улар меннинг ёшим ўттиздан ўтганлиги учун туғруқ оғир кечишдан хавотирдан эдилар. Лекин икки дунё оралигидан ҳеч қандай дориларсиз, табиий ва осонлик билан қизимни бағримга босиб янгидан ҳаётга келдим. Ундан кейинги ўғлим, кизим ҳаётга келишида дояга: «Мен яхшиман, дунё қандай дори-дармон, тезлатувчи воситалар керак эмас», — деб келишиб олардик...

...Биз ўқувчилик пайтимизда, шаҳарда яшаганимиз учун мактабимизнинг

Жисмоний тарбия миллатни юксалтиради

жудига сизмасдан югуради, тинмайди... Шундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, жисман ва руҳан соғлом бўлган барча болаларда кичкинтойлигидан ҳаракат, жисмоний тарбия, демакки, спортга нисбатан қизиқиш бўлади.

Биз мактабда ўқиган ўтган асрнинг 60-йилларида жисмоний тарбия дарсларига қора шалвар кийиб қирардик. Гарчи у кенгагина қилиб тикилган бўлса-да, энги узун майка билан шалвар кийишимиз оналаримизга ёқмасди, бунга қиз болалар учун уят ҳисобланарди. Лекин мен бу дарсни шунчаки яхши кўрадимки, унга математика, она тили ва адабиётдан кам ихлос қўямасдим. Фақат мен эмас, дугоналарим Ҳамида, Насиба, Сафура, Мамлакат...

Жисмоний тарбия ўқитувчимиз Людмила Содиқова биз — бўйи баланд қизларни саралаб мактабнинг баскетбол командасини тузганда, бешинчи синфда ўқирдик. Мактабларо мусобақалар бошланганда онам меннинг беқорга вақт сарфлаб тўп ўйнаб юришимни истамасди. Аммо дадам ҳар кунги кечки овқатдан кейин ўзи бошлиқ бўлиб бизни ховлимиз ортидаги шаҳар боғига айлантириб келарди. «Қорининг овқатга тўлдириб ўхшаш — зарар, одам кўп юриши, ҳаракат қилиш керак», — деб ҳар кун гапирарди. Меннинг мусобақаларга катнашишимга ҳам отамнинг рағбати бордай эди.

Шундай бўлдики, юқори синфларга ўтганимда ўқитувчиларим мени мактабнинг қўл тўпи командасига олишди, сардор қилиб қўйишди. «Пахтакор» жамоасига, умуман, футбол ўйинига иштирокчи бўлишим ҳам ўша даврлардан бошланган. Қўл тўпи командасида ҳужумчи эдим, галнинг очиги, ўйин пайтида ғалабага эришишдан бошқа ҳамма нарсани унутардим. Менга «мактабимизнинг Абдураимови» деб ном қўйиб олган синфдошларим қўлимга тўп тушди дегунча, қий-чув билан олдинга ундашардим...

Бу воқеаларни шунчаки эрмак ёки мактанниш учун эслаётганим йўқ. Оиламизда меннинг жуда соғлом ўсганим ҳақида кўп гапирардик. Акам болалиқда кўп касал бўлгани учун эҳтиётлашар, сира оғир нарса кўтартирмасди. Ховлидаги ёрни қошишдан, замбилга юк солиб ташишдан дадамга мен шерик эдим. Қизлар билан ҳар кун даладан молга ўт юлиб келардик, катта қолга ўт тикканларимиз ҳамон асимда. Бу — меннинг ўсмирлик йилларим эди.



Шу ўринда қиз улгайтираётган, айниса, қишлоқдаги оналарга кўнглимдаги гапларни айтмоқчиман: яширишимнинг ҳолати йўқ, ердан ҳосил олишнинг ўзига яраша машаққати, меҳнати бисёр. Ёрни қошишдан бошлаб ҳосилни йиғиб-териб олишгача жисмоний куч талаб этилади.

Шундай пайларда ўсмир, балоғатга етиб келаётган қизларнингизнинг аҳолидан доим бохабар бўлинг. Ҳар қанча зарур бўлмасин, маълум кунларда қизингизни оғир юк кўтаришдан, жисмоний толиқушдан асранг. Акс ҳолда бунинг салбий оқибатидан қолдиган асоратдан бир умр пұшаймон бўлишингиз мумкин.

Ушунда мени шифохонага ётқизмоқчи бўлишди, лекин ўқушдан қолиб кетишни истамасдим. Катта олам зўрлаб дўхтирга олиб борди, у ерда мендан таҳлил олчун қон олишди. Эртасига жавобини олгани борсам, таҳлил натижаларини кўрган шифокор: «Ҳозирроқ даволангани ётасан», — деди. Мен касалхонага боришни истамаслигимни айтганим, у: «Сеннинг қандай қилиб юрганинга майиб кетгани, қандай қилиб юрганинга қайроном бўлиб турибман. Агар шу бугунроқ даволанганини бошламасанг...», — гапни вужудимни музлатиб юборадиган сўзлар билан ақунлади. Оқ калатларнинг менга ажабланиб, ачиниш билан галати қарашларидан аҳолининг жиддий эканлигини англашим қийин бўлмади. Бир ойдан ортқ шифохонада ётиб чиқганимда, ўзимга озгина қизиқлик югурди, лекин аввалги ҳолатимга қайтишим учун анча йиллар керак бўлди.

спорт зали, майдончаси бор эди. Лекин ҳозирроқда қишлоқ шаҳарларда, маҳалларда спорт билан шуғулланиш учун шариотлар, имкониятлар қарерда дейсиз? Яқинда саккизинчи синфда ўқийдиган қизимнинг мактабига оналар мажлиси боргандим, синф раҳбари: «Қизлар жисмоний тарбия дарсларига жиддий қарамайдилар, илҳож бўлса, ҳар хил бахоналар қилиб дарсга кирмайдилар», — деб гапириб қолди. Шунда кўнглимдан яна юқоридаги гаплар ўтди.

«Машҳур спортчилар миллатни, мамлакатни оламга танитади», — деган гап бор. Меннинг назаримда, нафақат маҳоратли спортчилар, балки жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ўзини ҳам жисман, ҳам маънан кенгайтирган, ўқтамликка интилан ҳар бир инсон халқнинг шон-шухратини юксалтирадиган баркамол авлод дунёга келиши ва улгайиши учун ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

Юқорида мен кимлар учундир андиша доирасидан чиқиб қўйиб туюлган воқеа-ҳодисаларни эсладим, ноқаттарликка ўхшаш гапларни эътирдим. Лекин асосий мақсадимни, яъни ўғил-қизларнинг бахтли келажаги учун пойдевор қўймоқчи бўлган ота-оналар фарзандларини фаол ҳаёт, жисмоний тарбия, спорт билан шуғуллантиришлари фақат манфат келтиришини айтмоқчи бўлганини зийрак ота-оналар тушундилар, деб ўйлайман.

Мухтарама УЛУҒОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ассалом футбол баҳори!

1 март куни Ўзбекистон профессионал футбол лигаси томонидан илк мартаба ўтказилаётган XVIII миллий чемпионатга старт берилди. Мамлакатимизнинг саккизта стадионида чемпионат байроғи кўтарилди.



Бу йилги мавсум ҳар қачонгидан қизиқарлироқ ўтиши дастлабки турдан оқ кўзга ташланди. Гап шундаки, қишки танлафус чоғида чемпионатнинг ҳар бир жамоаси ўз таркибини маҳаллий ва хориқлик моҳир футболчилар билан тўлдирди. Ўзбекистон чемпиони ва биллур кубок соҳиб «Бунёдкор» жамоаси Самарқандда маҳаллий «Динамо» клуби меҳмони бўлди. Учрашувдан олдин тинимсиз ёмғир ёқгани футболчиларга бор маҳоратларини кўрсатиш имконини бермаган бўлса-да, «устасига фарқи йўқ», деган ибора ўз исботини топди. Яъни, ўйиннинг 38-дақиқасида «қалдирғочлар»ни сардор сифатида

майдонга бошлаб чиққан Ривалдо жарима зарбасини амалга оширди ва ўзи томон йўналтирилган тўпни Жоао Виктор боши билан дарвоза тўрига жойлаб қўйди. Шунингдек, «Пахтакор» либосида илк ўйинини ўтказган сербиялик Боян Миладинович ва Шерзод Каримов ҳам ўз дебютларини гол билан нишонлашди. «Бухоро» клубини ўз майдонига қабул қилган ташкентликлар яқинда 3:0 ҳисобида голиб чиқди. Бундан ташқари, «Машъал»дан «Насаф»га қўшилган Жаҳонгир Жиямуродов ҳам «Шўртан»га қарши учрашувда иккита гол муаллифига айланди — «Насаф» — «Шўртан» — 4:2.

Лига дебютанти «Хоразм» эса сафарда ғалаба қозониб, иккибозларни хурсанд қилди: «Металлург» — «Хоразм» — 0:1.

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Андижон» — «Локомотив» — 0:1, «Навбахор» — «Олмалик» — 0:0, «Сугдиёна» — «Машъал» — 1:0, «Кизилқум» — «Нефчи» — 2:1.

Ғалабага интиламиз

7-8 март кунлари Голландиянинг Роттердам шаҳрида каратэ бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди. Эртага ушбу мусобақада иштирок этиш учун мамлакатимиз беш терма жамоаси Голландияга учиб кетишди. Биз сафар олдин тажрибали мураббий Аҳмад Юнусовни суҳбатга тортидик.

— Терма жамоа сафидан етакчи спортчилар София Каспелатова, Лусия Байбулатова, Регина Ниёзова, Хусниддин Салиев, Умид Жақимов, Рустам Ашуров ҳамда илк бор катталар ўртасидаги бундай йирик мусобақага жалб этилаётган Барно Мирзаева, Замира Алиева, Мурод Мустафоев жой олди. Дунёнинг энг кучли каратэчилари билан бўладиган баҳслар апрел ойида Таиландда ўтадиган шарқ аккурашлари бўйича биринчи Осиё ўйинлари мўҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди. Европа қитъасида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Пойтахтликларга тенглашиб...



«Солиқчи» спорт мактабимизда таэквондонинг WTF тури бўйича ўсмирлар ўртасида Республика биринчилиги ҳамда катталар ўртасида мамлакат чемпионати ташкил этилди. Тан олиш керак, таэквондоннинг ушбу тури бўйича Тошкент шаҳрида тажрибали мураббийлар кўп. Айнан шунинг учун ҳам баҳсларда ушбу ҳудуд спортчилари яққол пешқадамлик қилишарди. Лекин бу галги мусобақада голиб ва совриндорлар жуғрофияси анча кенгайди. Яъни, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Андижон, Тошкент, Навоий вилоятлари жамоалари ҳар жиҳатдан ўзларини кўрсатишди. Биз билан суҳбатда мусобақа совриндори Азиза Жабборова (Қашқадарё) ўз таассуротларини қуйидагича баён қилди: — Илк бор катталар ўртасидаги чемпионатда омадимни синаб кўрдим. Утган йили ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон очик чемпионатида 55 кг. вазн тоифасида голиб бўлгандим. Бу йилги баҳсларга бизни январ ойида Корейдан Қаршига ташириб буюрган мухтаassis Пак До Хюнг тайёрлади. Чемпионат финалида терма жамоа аъзоси Фотима Алимовага ютқазиб қўйдим. Унинг халқаро мусобақаларда тўплаган тажрибаси асқотди. Рост, катталар ўртасидаги чемпионатнинг ўзига яраша салмоғи, қийинчилиги сезилди. Бироқ хафа эмасман. Олдиндаги мусобақаларга пухта тайёрланиб, терма жамоага кириш, Осиё ва жаҳон майдонларига чиқиш — бирдан-бир орзим!

Акмал АБДИЕВ

Полвонлар майдонга тушади

лари Федерацияси кенгаши 300 млн. сўм, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги 135 млн. сўм маблағ ажратди. Хозир стадион атрофини ободонлаштириш, ўринди ва электр тармоқларини таъмирлаш ишларига 14 та курилиш фирмаси жалб қилинган. Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стадионни бадиий безаш ишларига бош-қош бўлмоқда. — Ушбу халқаро турнир Осиё, Латин Америкаси ва Европада 40 та давлатдан довуқли курашчилар келиши кутилмоқда, — дейди вилоят касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамаияти раисининг ўринбосари Рўзи

Advertisement for 'Ishonch' magazine, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.